O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 6-sentabr • Shanba • 109 (27.914) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Ёруғ келажагимизни таъминлашнинг муҳим шарти ва гарови ҳаётимизнинг барча жабҳаларини — бу сиёсий ёки иқтисодий соҳа бўладими, ижтимоий ҳаёт ёки суд-ҳуқуқ тизими бўладими — буларнинг барчасини янада такомиллаштириш, аҳолимизнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини кучайтириш, кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш, жамиятимизни янада эркинлаштириш, ижтимоий ва нодавлат ташкилотларнинг мавқеи ва таъсирини ошириш, бир сўз билан айтганда, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишга эришишдан иборатдир. Бугунги кунда бу масала энг муҳим ва долзарб вазифа бўлиб қолмоқда».

ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 сентябрь куни Россия Федерацияси пойтахти Москва шаҳрида бўлиб ўтган Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) саммитида иштирок этди.

Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти хайрли мақсадларга хизмат қилади. Ушбу ташкилотга 1992 йилнинг 15 майида имзоланган Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномага биноан асос солинган. Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотининг низоми ҳамда ташкилотнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги битим 2002 йилнинг 7 октябрида имзоланган ва 2003 йилнинг 18 сентябрида кучга кирган.

Москвада дастлаб ОДКБ Коллектив хавфсизлик кенгашининг тор доирадаги сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев, Арманистон Республикаси Президенти Серж Саркисян, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Курманбек Бакиев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон қатнашдилар.

Музокарада ташкилот қамраган минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, бу йўналишдаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Терроризм ва экстремизмга, уюшган трансмиллий жиноятчилик ва наркотрафикка, қурол-яроғ контрабандасига, оммавий қирғин қуроллари тарқалишига қарши курашни фаоллаштириш, ахборот хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

Бу масалалар Коллектив хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги сессиясида атрофлича таҳлил қилинди.

Ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, ҳамкорликнинг устувор йўналишлари билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Хавфсизлик органлари ўртасида қабул қилинган терроризм ва наркотаҳдидга қарши ҳамкорликда курашишга оид дастур ижросининг бориши кўриб чиқилди.

Учрашув якунида Коллектив хавфсизлик кенгаши сессиясининг декларацияси ва ташкилот фаолиятига доир қатор ҳужжатлар имзоланди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Москва — Тошкент.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами нишонланиши муносабати билан шахсан ўз номимдан ва Тунис ҳукумати ҳамда халқи номидан Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, биродар ўзбек халқига тараққиёт ва равнақ тилаб билдирган энг қизғин қутловларим ҳамда эзгу истакларимни изҳор этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари биродар халқларимизнинг икки томонлама манфаатлари йўлида янада тараққий топиб, ривожланиб бораверишини тилайман.

Зайн ал-Обидин бин АЛИ,
Тунис Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мамлакатингизнинг Мустақиллиги куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва Ўзбекистон халқига Бахрайн халқи ва шахсан ўз номимдан самимий табрик ва эзгу тилакларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига чуқур ҳурматимни изҳор этган ҳолда мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ҳамда мамлакатингиз халқига янада тараққиёт ва равнақ тилайман.

Ҳамад бин Исо Ол ХАЛИФА,
Бахрайн Подшоҳи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мамлакатингизнинг Мустақиллик куни муносабати билан Сизга самимий табрикларимни изҳор этиш ва эзгу тилакларимни йўллашдан ғоят мамнунман.

Сиз, Жаноби Олийларига бахт-саодат, дўст ўзбек халқига тараққиёт тилайман.

Муҳаммад бин Рошид Ол МАКТУМ,
Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти,
Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мамлакатингизнинг Миллий байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва Ўзбекистон Республикаси халқига самимий табрикларим ва эзгу тилакларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқига доимий тараққиёт тилаб қоламан.

Эҳтиром ила,

Ҳамад бин Жосим Ол СОНИЙ,
Қатар Давлати Бош вазири

Истиқлол йилномасида тарихий кун

УЛУҒ МЕЪМОРИЙ САНЪАТ

1991 йил 5 сентябрда мамлакатимизнинг Бош майдонига «Мустақиллик майдони» номи берилган эди

Эслайсизми, Ўзбекистон истиқлолга эришгач, Президентимиз Ислом Каримовнинг биринчи Фармони умумий афв эълон қилиш, кейинги Фармони — Тошкентнинг Марказий майдонини Мустақиллик майдони деб қайта номлаш ва бу жойга Озодлик обидаси ўрнатиш ҳақида бўлганди.

Кўп вақт ўтмай, майдон ўртасидаги 74 тонна оғирликдаги Ленин ҳайкали бир кечадаёқ олиб ташланди. Унинг ёнидаги (Ленин номли) метро бекати ҳам «Мустақиллик майдони» деб қайта номланди.

2-бет

2008 йил — Ёшлар йили

МЕҲР-ЭЪТИБОР НАМУНАСИ

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 66-махсус меҳнат таълими (ёрдамчи) мактаби «Меҳр нури» жамғармаси ҳомийлигида қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Куни кеча ўқувчи-ёшлар, уларнинг ота-оналари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида мактабнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Аввало шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда ушбу мактабда имконияти чекланган 260 нафар ўқувчи таълим-тарбия олади. Уларга умумтаълим фанларидан ташқари, 29 та тўгарақда сартарошлик, тикувчилик, темирчилик, косибчилик, пазандачилик каби касб-ҳунар сирлари ҳам ўргатилади.

— Мактабимиз биноси 1941 йилда қурилган бўлиб, ўшандан бери тўлиқ таъмирлаш ишлари олиб борилмаган эди, — дейди мактаб директори Маълума Хўжаева. — Бугун илм масканимиз таниб бўлмас даражада ўзгарди. Синфхоналар, фан кабинетлари, спорт зали, кутубхона зарур асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва дарсликлар билан тўлиқ таъминланди.

— Бугунги кун болаларимизнинг ёдида абадий сақланиб қолади, — дейди Дилбар Нурмуҳаммедова. — Фарзандларим Фотима ва Зуҳра ҳам шу мактабда таҳсил олишади. Болаларимизга яратилган шарт-шароитларни кўриб, беҳад қувондик. Имкониятларни яратишга яқиндан ёрдам берган ҳомийларга ота-оналар номидан ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Маъмуржон МАҲМУД,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Сарвар ЎРМОНОВ
(ЎзА) олган суратлар

Муносабат

ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМ РАМЗИ

Мамлакатимиз Президентининг «Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан сўнгги ўйлар

Мен узоқ йиллардан буён олий ўқув юртларида дарс бериб келаман. Ушбу тизимда рўй бераётган ҳар қандай ўзгариш, ислоҳот ва янгиланиш ҳамкасбларим қатори мени ҳам бефарқ қолдирмайди.

Тақдир тақозосига кўра, биз, катта авлод вакиллари мустабид тузумнинг таҳликали йилларига гувоҳ бўлдик. Бошимиздан яхши-ёмон кунларни ўтказдик. Виждонан айтганда, мустақиллик биз, зиёлиларнинг ҳам том маънода қаддимизни, қадримизни тиклади.

Етмиш йил мобайнида қанчалаб фидойи олимларимиз хўрланди, камситилди, илмий изланишлари йўққа чиқарилиб, ўзлари тақиб қилинди. Ўша йилларда диссертациялар миллатимизга ёт тилда ёзилиши талаб этиларди. Ёзган номзодлик ёки докторлик ишини ўша тилда ҳимоя қила олмаганлар қанча. Уларнинг дардини тинглайдиган одам йўқ эди, бу ҳақда ҳатто ҳеч кимга оғиз очиб бўлмасди. Шу сабаб одамлар ўз она тилини қўйиб, кўпроқ ўша тилни ўрганишга ҳаракат қилишарди. Баъзи бировлар, ўз фарзандларини ўзбек тилида эмас, балки ҳукмрон тилда дарс ўтиладиган мактабларда ўқитишгача етиб борди. Мана шундай ҳолатларни кўрганда, кўнгил чўкиб, бошимиз яна қуйироқ эгилган.

4-бет

ЎзХДП ҳаёти

Шайхонтоҳур туманидаги «Оқилон» маҳалласида Ўзбекистон ХДП туман кенгаши ташаббуси билан «Мустақиллик — фаровонлигимиз гаровидир» деб номланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда туман кенгаши ходимлари, маҳалла фаоллари ҳамда шу ҳудудда жойлашган кўптармоқли марказий поликлиникадаги партия аъзолари иштирок этишди.

ФАРОВОНЛИГИМИЗ ГАРОВИ

Давра суҳбатида Тошкент шаҳар маънавият-тарғибот маркази раҳбари Салоҳиддин Мирҳакимов, Ўзбекистон ХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши раиси Рўзибек Тўраев, туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси бош ҳамшираси Камола Умарова сўзга чиқиб, Мустақиллик йилларида жамиятимизда содир бўлган ўзгаришлар ҳамда сиёсий партияларга яратилаётган имкониятлар ҳақида фикр алмашди. Бугун мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, барқарорлик, миллатлараро тотувлик, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ҳукм сураётгани, бунинг натижасида барча соҳалардаги инсон манфаатларига қаратилган ислоҳотлар изчиллик билан давом этаётгани таъкидланди.

Тадбир давомида партия сафига қабул қилинган ёшларга аъзолик гувоҳномалари топширилиб, фаол аъзолар туман кенгашининг Фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз).

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Истиқлол йилномасида тарихий кун

УЛУҒ МЕЪМОРИЙ САНЪАТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу ўзгаришлар эски тимсолларни шунчаки янгиси билан алмаштириш деган маъно англатмасди. Балки бу — келгусида истиқлолга эришган мамлакатимизнинг Бош майдонини тубдан қайта қуриш, унга миллий қиёфа ва шунга монанд бутунлай янги маъно-мазмун бахш этишга қаратилган эзгу ҳаракатнинг бошланиши эди. Жуда катта сиёсий, тарихий, мафкуравий моҳиятга молик бу кенг кўламли иш режаси давлатимиз раҳбари томонидан чуқур ўйланган ҳолда, пишиқ-пухта ишлаб чиқилди ва босқичма-босқич амалга оширишга киришилди...

Юртбошимиз дастлаб бу жойда улкан Ер шари тасвири ва унда Ўзбекистон харитаси яққол ифода этилган монумент ўрнатиш ғоясини илгари сурди, бунинг мазмун-моҳиятини шундай уқтирди: **«Эй одамлар, билиб қўйинглар, жаҳон харитасида янги давлат — ҳур ва озод Ўзбекистон юзага келди! Токи ҳаёт бор экан, халқимиз омон экан, Ватанимиз, мустақиллигимиз абадий яшайди! — деган теран ҳикмат унда ўз ифодасини топиши керак...»** Монумент лойиҳаси тархини ҳам Президентимиз ўз қўли билан чизди...

Етмиш йил давомида шўролларнинг ҳарбий қудратини кўрсатиб келган, тантанали намойишлар, ҳарбий парадлар ўтказилган, ҳавойи чақириқлар ва «Ура» садолари янграган мазкур майдонда 1992 йили илк дафъа мустақиллигимизнинг бир йиллик айёми катта байрам-тантана қилинди...

Тўқсон биринчи йилда ишлаб чиқилган ўша кенг кўламли иш режасига кўра, Бош майдон босқичма-босқич нафақат пойтахтимизнинг, балки бутун Шарқнинг чинакам кўркига, Озодлигимиз, Мустақиллигимиз тимсолига айланди. Илгари «Номаълум солдат қабри» ёдгорлиги (ҳолбуки, у ерга бирон бир инсон дафн этилмаган) ўрнида миллий қадриятларимизга кўра, Иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлган ватандошларимизнинг хотирасига ёдгорлик ансамбли барпо этилди. Мотамсаро она ҳайкали пойига «Сен доим қалбимдасан, жигарим!» деган ёзув зарҳал ҳарфлар билан битиб қўйилди. Урушда ҳалок бўлган 450 минг нафардан зиёд Ўзбекистон фарзандларининг номлари ёзилган мемориал лавҳалар ўрнатилди.

Мустақиллик монументи — Ўзбекистон харитаси туширилган улкан Ер шари тимсолига монанд яна бир обида — дилбандига меҳри товланиб, қуёшга бағрини очган Бахтиёр она сиймоси қад ростлади. Шундан сўнг у яхлит ҳолида Мустақиллик ва эзгулик монументи деб ном олди. Майдонга кираверишда мамлакатимизнинг Бош дарвозаси рамзи каби Эзгулик аркаси бунёд этилди.

Бу орада мўътабар майдондан олий кошона — Олий Мажлисимизнинг юқори палатаси — Сенат биноси ҳам жой олди. Ҳукумат уйи ва маъмурий бино тубдан замонавий таъмир қилинди...

Мана, ўн етти йилки, Ватанимизнинг Бош майдони — Мустақиллик майдонига ҳар доим, айниқса **Энг улуғ, энг азиз** байрамимиз кунлари одам сиғмай кетади. Агар эсласангиз, мустақил мамлакатимиз мадҳияси ҳам илк дафъа шу майдонда янграганди. Ўҳ-ҳўў, ўшанда миллионлаб ватандошларимиз қалбида эрк, озодлик, хуррият акс-садо берган, фахр, ғурур, қувонч ва шодиёна юракларга сиғмай кетган!

Бугун Бош майдонимизни, аниқроғи, Тошкентнинг қоқ ўртасидан олтин белбоғ каби оқиб ўтган Анҳор бўйидаги Мустақиллик ва эзгулик монументини, унинг атрофидаги улуғвор санъат мажмуасини кўриб, беихтиёр ҳайратга тушасиз. Зеро, шоир айтганидек:

Бир нуқтада —
Анҳор соҳилида —
Илоҳий масканда,
Кўзим ўнгида
Хаёл ва ҳақиқат!
Ҳайрат!
Улуғ меъморий санъат!

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

Ўзбекистон Қаҳрамонлари

ҚАДР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига биноан Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш, давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, баркамол авлодни тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун бир гуруҳ юртдошларимизга Ўзбекистон Қаҳрамони — юксак унвони берилди. Улар орасида Урганч автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси, халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши депутати, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаоли Эгамберган Каримов ҳам бор. Биз Ўзбекистон Қаҳрамонининг кўнглидан айни пайтда кечаётган ўйлари билан қизиқдик.

— Мустақиллик йилларида инсон меҳнати қадр топа бошлади, — дейди Эгамберган оға. — Айниқса, таълим соҳаси, педагогларга ғамхўрлик жуда кучайди. Аммо менинг камтарона меҳнатим шунчалик юксак баҳоланади, деб сира ўйламаган эдим. Бу шарафли унвонга сазовор бўлиш хаёлимга ҳам келмаган. Бу — менинг меҳнатимга берилган мукофот эмас, Юртбошимизнинг бутун ҳамкасбларимга қаратилган эътибори, таълим тизимига ғамхўрликнинг намунаси, деб биламан.

Таълим соҳасида қарийб қирқ йилдан буён меҳнат қилаяпман. Фаолиятимни оддий ўқитувчиликдан бошлаганман. Илм-маърифат инсон қисматида қанчалик муҳим аҳамият касб этишини ўз тажрибамда кўп кўрдим. Айниқса, ҳозирги замонда таълим-тарбия жуда катта аҳамиятга эга. Буни муҳтарам Президентимиз ҳар доим қуюниб таъкидлайди. У кишининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида ҳам таълим-тарбияга тааллуқли қимматли фикрлар айтилган.

Илгари юқоридан келган, менталитетимиз, маҳаллий шароитларимизга тўғри келмайдиган, йиллар давомида янгиланмайдиган, қотиб қолган дастурлар, дарсликлар асосида фарзандларимизга таълим беришга мажбур эдик. Мустақилликка эришганимиздан сўнг таълим соҳасида ҳам янги тизимга ўтдик. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» қабул қилинганда жуда қувонганмиз. Чунки худди шундай шарт-шароитларни орзу қилар эдик. Олдимизга қўйилган мақсад-вазифаларни тўла-тўкис амалга оширсак, бунинг самараси беқиёс бўлади. Мана, Худога шукр, 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига жалб қилиш, уларнинг барчасини тўлиқ қамраб олиш ишлари изчил олиб борилмоқда. Бу ҳаракат нақадар тўғри бўлгани, ўз вақтида оқилона қарор қабул қилинганини ҳаётнинг ўзи кўрсатаяпти. Илгари ўрта мактабни битирган ёш бирон бир касбнинг эгаси бўлмаган. Касб-ҳунар эгаллаш учун яна таълим олиш, билим юртида ўқишга тўғри келган.

Эгамберган Каримов, 1950 йилда Урганч шаҳрида туғилган. Хоразм давлат педагогика институти (ҳозирги Урганч давлат университети), Тошкент автомобиль ва йўллар институтини тамомлаган. Физика-математика фани ўқитувчиси, инженер-механик. Тўрт фарзанди, ўн бир нафар невараси бор.

Энди-чи, коллежларни битираётган фарзандларимиз ўрта-махсус маълумот олиш билан бирга, касбли-ҳунарли бўлиб чиқмоқда. Бундай ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топиб кетиши осон кечаяпти. Ҳунарли эл хор бўлмас, деган гап бор-ку.

Ҳозир коллежни тугатган ёшлар ҳаётига бир назар ташланг. Бу эзгу мақсад ҳаётда қандай самара бераётганини кўриб, қувонасиз. Улар бундан ўн беш-йигирма йил аввалги ёшлар эмас. Биз билан тенг фикрлашади, ўз мустақил дунёқарашига эга. Илгари аудиторияда ўқитувчи ҳукмрон эди. Энди ундай гап йўқ. Ўқитувчи фақат йўналтирувчи вазифасини бажариб туради. Ўқувчи, талабанинг ўзи интилаяпти, изланаяпти, илмни мустақил равишда ўзлаштираяпти. Натижада уларнинг тафаккури жуда тез ривожланаяпти, замонавий технологияларни тез ўзлаштириб олаяпти ва биз кутаётган халқимиз, жамиятимиз, давлатимизга хизмат қиладиган, маънавияти юксак кадрлар бўлиб етишаяпти. Бундан аввало ўзи, оиласи, давлат ва жамият жуда катта фойда кўрмоқда.

Мана «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси Қонунчилик палатасида кўрилаяпти. Шу вақтгача биз тўплаган тажриба ва хулосалардан келиб чиқиб, қонун янада такомиллаштирилади. Мамлакатимизда таълим соҳасини янги босқичга олиб чиқади. Умуман, қайси соҳа вакили бўлишимиздан қатъи назар, ҳар биримиз таълим-тарбия масалаларига масъулмиз. Биз тайёрлаётган мутахассислар, эртага ўрнимизга келадиган ёшлар, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта бахтли авлод бўлиб етишиши мамлакатимизнинг эртаси янада порлоқ бўлишини таъминлайди.

«Фарзандларим, невараларимни кўриб, жуда ҳавасим келади. Чунки улар шундай фарахбахш, озод ва обод мамлакатда, эркин ва ҳур замонда униб ўсаяпти».

Биргина мисол, мен раҳбарлик қилаётган коллежда талабалар учун барча шароитлар яратилган. Йигит-қизларнинг қизиқиши, қобилияти, истеъдодига қараб мактаблар психологлари, ташхис марказлари билан ҳамкорликда 2008-2009 ўқув йилига талабаларни қабул қилдик. Чунки, ёшларнинг маълум йўналишда таҳсил олишга ўзининг хоҳиш-истаги бўлсагина улардан етук кадрлар етишиб чиқиши мумкин.

Яқинда коллежимизнинг яна бир янги биноси ишга тушди. Бу мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллигига жамоамиз ва талабаларимизга муносиб совға бўлди. Айни пайтда коллежнинг ўқув, моддий-техник базаси, умумий фанлардан таълим бераётган ўқитувчилар, касб ўргатадиган ишлаб чиқариш усталарининг билими, тажрибаси ҳам барча талабларга жавоб беради. Уларнинг доимий равишда малака ошириб боришларини ташкил қилганмиз. Ўн бешдан ортиқ лаборатория, ўндан ортиқ устахона, автомобиль парклари талабалар хизматида.

Аввалги даврдаги билим юртлари билан ҳозирги замонавий касб-ҳунар коллежларининг моддий-техник жиҳатдан ҳам, тайёрланаётган кадрлар савияси, салоҳияти, малакаси, маънавий олами жиҳатдан ҳам мутлақо таққослаб бўлмайди. Умумтаълим фанларидан тортиб, махсус фанларгача тайёр, жиҳозланган машғулотхоналаримиз мавжуд. Илгари эски автомобилларимиз бўларди. Уларнинг қисмларини синфларга олиб кириб, ўқувчиларга тушунтиришга ҳаракат қилар эдик. Мана энди давлатимиз бизга бу борада жуда катта шароитларни яратиб берди. Биз фақатгина таълимнинг сифатини ошириш, талабаларнинг яхши билим олишларини таъминлашга ҳаракат қилаяпмиз.

Ҳаммамиз ҳам ҳаётимиз яхши бўлса, фарзандларимиз бундан ҳам яхши яшаса, деймиз, бу эзгу ишга ўз ҳиссамизни қўшишни истаймиз. Шу мақсадда автотранспорт соҳаси бўйича ўн иккита дарслик ёздим. Автомобилларда йўловчи ташиш, аҳолига транспорт-экспедиция хизмати кўрсатиш, автомобилларнинг тузилиши, автомобилларни таъмирлаш ва бошқа фанлар бўйича. Бундан ташқари, услубий қўлланмалар, тавсиялар, рисолалар ва бошқа ишланмаларим сони икки юздан ортади. Ҳаётдаги силжиш, ўзгариш, яшариш, Президентимиз ғамхўрлиги одамга куч-қувват бағишлайди, янги-янги марралар сари ундайди.

«Ўзбекистон овози» мухбири Беҳзод ШУКУРОВ ёзиб олди.

ЎзХДП ҳаёти

Миллий байрамимиз — мустақилликнинг 17 йиллиги Вобкент туманидаги Харгўш маҳалла фуқаролар йиғинида қўшалоқ шодиёнага айланди. Маҳалла фаоллари, ЎзХДП аъзолари иштирокида янгидан қуриб битказилган саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи бинолари тантанали равишда очилди. Қиймати 2 миллиард 216 миллион сўм бўлган ушбу ўқув юрти маҳаллага чирой бахш этиб қолмай, одамлар орзусининг ушалишига хизмат қилди.

ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ

— Илгари харгўшлик ёшлар илм олиш, касб-ҳунар ўрганиш учун узоқ йўл босиб, вилоят ёки туман марказига боришарди, — дейди коллеж директори Истам Ҳасанов. — Энди улар бу муаммодан халос бўлишди. 645 ўринли янги коллеж иншоотлари атиги 6 ойда барпо этилди. Бугундан бошлаб дастлабки ўқувчилар халқ хўжалиги учун зарур ўнга яқин касбларни эгаллашга киришдилар.

— Бу маскан туманимизда Истиқлол йилларида бунёд этилган замонавий коллежларнинг олтинчиси, — дейди меҳнат фахрийси, партия фаоли Қўчқор Ҳамидов. — Бундай ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбариятидан миннатдормиз. Ахир ўғил-қизларимиз биз кўрмаган кунларни кўраяпти, биз орзу қилган таълим муассасаларида таҳсил олишаяпти. Бу — катта бахт.

Шу куни маҳаллада бўлиб ўтган байрам тадбирида фаол ёшлардан бир гуруҳи партия сафига қабул қилинди. Ўз тақдирини ЎзХДПга боғлаган ёшларга аъзолик гувоҳномаларини Бухоро вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Баҳриддин Муҳиддинов тантанали равишда топширди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ЎзХДПдан вилоят Кенгаши депутати Рўзибиби Эсонова кам таъминланган оилаларга ҳомийларнинг байрам совғаларини улашди.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

КИЧИК КОРХОНАНИНГ

КАТТА ИШЛАРИ

Муборак тумани ва шаҳри нафақат Кашқадарё воҳасида, балки мамлакатимизда ҳам яхши маълум. Чунки юртимизда ишлаб чиқарилаётган энг кўп газ шу жойдаги корхона ва конлар улуши. Ўз навбатида туман меҳнат аҳли, шунингдек, ишчилар учун қулайликлар яратишга ҳам бу ерда доим эътибор бериб келинмоқда. Айниқса, Муборак шаҳрининг даштликларга туташ қисми кундан-кун чирой очиб бораяпти. Замонавий стадион, амфитеатр, ўқув масканлари, савдо-маиший хизмат шохобчалари кўзни қувонтиради.

Шу жойдаги «Пресстиж» кичик корхонаси ободончилик ишларига муносиб ҳисса қўшмоқда. Ўтган йили корхона ажойиб лойиҳа асосида замонавий супермаркетни қуриб ишга туширди. Бу йил яна бир лойиҳа амалга оширилди. Саккизта хонадан иборат, барча қулайликлар яратилган 20 ўринли мўъжаз меҳмонхона фойдаланишга топширилди. Меҳмонхона қошида 200 ўринли ресторан ва спорт-тренажёр зали ҳам бунёд этилди.

Мустақиллик байрами кунлари корхона яна бир янгиликни тақдим этди. Меҳмонхона ёнида ўқув маркази биноси тикланди. Айни кунларда ўқув марказида болалар учун мусиқа, рақс, тасвирий санъат бўйича машғулотлар олиб борилаяпти. Шунингдек, ёшлар учун тикиш-бичиш, чет тилларни ўргатиш курслари ҳам ташкил этилмоқда.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

БЕНТОНИТ ЖАҲОН КЕЗМОҚДА

Нодир топилмалар ошёни — Қизилқум наинки олтин, кумуш, мармари, бентонити билан жаҳоннинг кўзга кўринган биржалари ва компанияларини ҳам лол қолдираётган ҳудуд. Захираси 234 йилга етадиган бентонит конига 2001 йилда асос солинди. 2002 йил 23 август куни корхона илк бор атиги 2,5 минг тонна қотишган оқ гил берган бўлса, ҳозир у йилига 10 минг тонна жаҳон бозорибоп бентонит бермоқда. Бу ютуққа Ўзбекистон — Швейцария ҳамкорлиги йўлга қўйилганлиги туфайли эришилди.

Агар ер шарида йилига 6 миллион тонна бентонитга талаб ва эҳтиёж мавжудлигидан келиб чиқадиган бўлсак, унинг бозори беиҳоя чаққонлиги яққол аён бўлади. Ҳозир АҚШ, Россия, Буюк Британия, Жанубий Африка, Испания каби йирик давлатларнинг кон қидирувчилари ва жаҳон экспертлари диққат-эътиборида бўлган Қалқонота бентонити ўз сифати ва салмоғи билан дунё бозорини деярли забт этиб бўлди.

Гап шундаки, Қалқонота бентонитини илгари фақат Ҳамдўстлик давлатларидан — Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистон сўраб турган бўлса, 3-4 йилдирки, унга Америка, Швейцария, Жанубий Африка, Испания мамлакатлари ҳам буюртма бераяпти. Чунки унинг бошқа давлатлардаги оқ гилдан фарқи — тез қотишувчан ва калий, кальций, «Бентит-м» бирикмаларига эга. Шу боис у нефть ва газ қидирув экспедициялари, дунё кончилари назарида.

Яна бир жиҳати, у ишлаб чиқаришда ўсимлик ёғи таркибидаги заҳарли бирикмаларни қувиб чиқариб, тиббиётда ҳам кенг қўлланилади. Шунингдек, ошқозон, ичак, меъда, жиғилдон қайнаши касалликларини даволашда жуда-жуда асқотади. Таркибида калий, кальций, магний бирикмалари бўлган калций глюконат, «Магнизин», «Кардиомагил» сингари дори турлари ана шулар жумласидандир...

Хуллас, ҳам табобат, ҳам кон, ҳам геолог қидирув, қолаверса, ёғ-моғ саноатида кенг ишлатиладиган Ўзбекистон бентонити бугун жаҳон сари йўл олди. У нафақат республикада, балки Марказий Осиёда ҳам ягона завод саналгани учун ҳам маҳсулотларига талаб йил сайин ошиб бораяпти.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 январдаги **«Маҳаллий хомашё негизида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кўпайириш тўғрисида»**ги қарори мазкур корхона учун бамисли дастуриламал бўлди. Айни пайтда Швейцария ва Россия технологиялари асосида қайта жиҳозланган корхона маҳсулотлари 30-50 килограмм ҳажмда қадоқланиб, жаҳоннинг ўнлаб мамлакаларига экспорт қилинмоқда.

— Корхона иш бошлаган дастлабки кунларда бу ерда 25 нафар йигит-қиз ишлаган бўлса, ҳозир улар сони юз нафарга етиб қолди, — дейди вилоят ҳокими муовини Салоҳиддин Самадов. — Мақсад — корхонани бундан-да кенгайтириш ва уч сменалик иш муҳитини яратиш. Бунинг учун юк ортиш ва тушириш линияларини тўлиқ модернизациялаш керак бўлади. Бу жараён ҳам 2010 йилга қадар муваффақиятли амалга оширилади, албатта.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СОЛИҚ БОШҚАРМАСИНИНГ ҚЎҚОН ШАҲАР ДАВЛАТ СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Объект номи:

«Фарғона вилояти, Қўқон шаҳридаги Давлат солиқ инспекциясининг биносини мукаммал таъмирлаш» ҚМИга.

Муддати — 2008 йил 20 октябрь.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Фарғона вилоят солиқ бошқармасининг Қўқон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси.

Манзили: Қўқон шаҳар, Истиқлол кўчаси, 16-уй,
телефон: 552-63-23, 552-41-47, 552-54-17.

Таъмирлаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг «Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоялаш, солиқ органларини ривожлантириш ва кутилмаган харажатлар махсус жамғармаси» ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқга эга, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича:

Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, (Фарғона вилояти «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси биноси) телефон: 224-18-76, факс: 224-74-20 мурожаат қилишлари мумкин.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Наманган вилоят хўжалик судининг 2008 йил 7 июлдаги 16-0506-сонли иш юзасидан ажримига асосан «Аснам Текстиль» ўзбек-турк қўшма корхонасига нисбатан ташқи бошқарув тамойили жорий этилди.

Мазкур ажримга асосан ташқи бошқарувчи этиб Р.Шарипов тайинланди.

Барча кредиторлар 2 ой муддатда ўз талаблари бўйича ташқи бошқарувчига мурожаат этишлари мумкин.

Маълумот учун телефон: (8 369) 224-23-10.

Иқтисодиёт ва ислоҳот

АСОСИЙ МЕЗОН — МИЖОЗ МАНФААТИ

дейишмоқда «Савдогарбанк» АТБ Хоразм вилоят филиали ходимлари

Иқтисодиёт ривожининг бугунги босқичида асосий устувор йўналишлардан бири — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда уни рағбатлантиришдан иборат. Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ ҳукуматимиз хусусий бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди. Зеро, кичик бизнес иқтисодиётни ривожлантиришга катта ҳисса қўшиш билан бирга, одамларнинг иш билан таъминланишига ҳам имконият яратади. Бу борада кейинги йилларда сезиларли ютуқларга эришилди. Аҳоли бандлиги ва унинг даромадларини ошириш масаласини ҳал этиш бўйича муҳим ишлар бажарилганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ишлаб чиқариш соҳасидаги соғлом рақобат ҳар доим тараққиётга хизмат қилиб келган. Ва бундан аҳоли ҳам, мамлакат иқтисодиёти ҳам катта наф кўради. Иқтисодий ислоҳотларда муҳим ўрин тутувчи банклар ўртасидаги рақобат эса умумий манфаатларни таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон — Германия «Савдогарбанк» акциядорлик тижорат банки ҳам ана шу рақобатда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилмоқда. Негаки, банк жамоаси ҳамиша мижоз йўлида тинмай изланмоқда. Шу боис ҳам халқ хўжалигининг барча жабҳаларига дадиллик билан кириб бораётган мазкур банк ҳақида самимий эътирофлар айтилмоқда.

Банкнинг Хоразм вилояти филиалида сўнгги йилларда катта ўзгаришлар юз берди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида салмоқли натижаларга эришилди. Кичик бизнес субъектларининг намунавий лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида узоқ муддатли кредитлар ажратилди. Шу кредитлар ҳисобига эса кўплаб янги ишчи ўринлари яратилди. Хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқарган маҳсулотлари ва кўрсатган хизматлари эвазига ўз даромадларини ошириб боришди.

— Мен раҳбарлик қилаётган «Рамуш» хусусий фирмаси кўп йиллардан буён Урганч шаҳрида фаолият юритади, — дейди банк филиали мижози Раҳмон Раҳмонов. — Банк ходимлари бизнинг кўпгина лойиҳаларимизни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашмоқда. Биз асосан автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланамиз. Ўтган йили ёқилғи қуйиш шохобчасини замонавий усулда таъмирлашга киришгандик. Шу боис банк филиалидан 35 млн. сўм кредит ажратишларини сўрадик. Банк ходимлари қисқа муддатда ҳужжатларни расмийлаштириб, бизга тегишли миқдордаги кредитни ўз вақтида беришди. Бу йил эса фаолиятимизни янада кучайтиришга интилиб, яна 50 млн. сўм банкдан кредит олдик. Айни пайтда 156 млн. сўм нақд пулдаги ойлик тушумга эга бўлдик. Шуниси диққатга сазоворки, банк томонидан бизнинг ёқилғи қуйиш шохобчамизга терминаллар ўрнатилди. Энди пластик карточкалар орқали 3 млн. сўмлик тушумга эга бўлаяпмиз. Дарвоқе, тўққиз нафар янги ишчи ўрни ҳам яратдик.

— Биз асосан Урганч туманида қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишлари билан шуғулланамиз, — дейди «Яшнар» хусусий фирмаси раҳбари Илҳом Раҳимов. — Кўпдан буён банк филиали мижозимиз. Банк ҳамиша бизга сидқидилдан хизмат қилмоқда. Бу ерда хизмат кўрсатиш маданияти юксак даражада. Шу йилнинг бошларида айланма маблағларимизни кўпайтириш учун 30 млн. сўм кредит сўрадик. Чунки, кейинги йилларда қатор мактаб, коллеж, лицей қурилиши бўйича ўтказилган тендерларда ғолиб чиққандик. Ана шу муҳим объектларни бунёд этиш учун маблағ зарур эди. Банк бу кредитни ҳар доимгидек ўз вақтида ажратиб берди. Ишларимиз юришиб кетди. 22 нафар ёш йигит-қиз иш билан таъминланди. Айни кунларда кредит ва унинг фоизларини муддатида тўлаб бормоқдамиз. Бу йил ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш мақсадида янги қурилиш асбоб-ускуналари сотиб олмоқчимиз. Банкдан яна кредит олиш ниятимиз бор.

Бугунги кунда банк филиали томонидан кичик бизнес субъектлари ва тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Айни пайтда тадбиркорларга хизмат кўрсатиш жараёнларидаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларга ечим топиш йўлларини аниқлашда ибратли тадбирлар амалга ошириляпти.

Кредитлаш жараёни тамойилларини ҳисобга олганда, банк ажратган кредит шартномада кўрсатилган муддатда қайтарилиши, кредит берганлиги учун банк даромад олиши, шунингдек, шу маблағни бизнес режада кўрсатилган мақсадларга ишлатиш ва у қарз олувчига режалаштирилган фойдани келтириши лозим.

Кредит берилган ташкилотлар бўйича банк бўлимида доимий равишда, яъни кундалик мониторинг олиб борилади. Бунда кредит олган ташкилотларнинг ҳисоб рақамидаги пул маблағларининг айланмаси текширилиб, ўз муддатида қайтарилиши назорат қилинади.

Шу ўринда рақамларга мурожаат қилайлик:

«Савдогарбанк»нинг Хоразм филиалида кредит қўйилмалари 2008 йил 1 январь ҳолатига 1 млрд. 111,8 млн. сўмни ташкил қилиб, 1 июль ҳолатига 1 млрд. 300,9 млн. сўмга тенг бўлган, яъни 189,1 млн. сўмга кўпайган. 6 ой давомида 653,5 млн. сўмлик кредит қайтарилган ва тадбиркорларга 852,3 млн. сўмлик кредит берилган. Кредит портфелида қисқа муддатли кредитлар 54,9 млн. сўмни ташкил қилиб, бу жами кредит қўйилмалари таркибида 4,2 фоизга тенг, узоқ муддатли кредитлар 1 млрд. 246 млн. сўмни ташкил қилиб, жами кредит қўйилмалари таркибида 95,8 фоизга тенг. Бундан кўриниб турибдики, кредит портфелида узоқ муддатли кредитлар салмоғи асосий ўринни эгаллайди.

Шу ўринда яна бир мисол келтирамиз. Банк филиалининг Гурлан туманидаги мижози — Асқарбек Матсапаев раҳбарлигидаги «Олам орзуси» хусусий фирмаси ишончга сазовор бўлган тадбиркорлик субъектларидан биридир. Ушбу хусусий фирма 2003 йилдан буён банк филиали билан ҳамкорлик қилади. Лекин бирон марта ҳам банк билан тузилган шартномаларини бузгани йўқ. Электр двигателларини қайта таъмирлаш ишлари билан шуғулланадиган бу фирма сезиларли ютуқларга эришмоқда. Яқинда бу хусусий корхона янги замонавий дастгоҳлар, хомашё сотиб олиш учун банк филиалидан 21 млн. сўм кредит сўради. Шу маблағ эвазига ишлаб чиқариш янада такомиллашди. 12 нафар иш ўрни вужудга келди. Олинган қарз эса ўз вақтида сўндириб бориляпти.

Мижозларга хизмат кўрсатишни жаҳон андозалари даражасига етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган мазкур филиал ходимлари дунёнинг бир қатор нуфузли молия муассасалари тажрибасидан унумли фойдаланмоқда. Шу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар дунё миқёсида пул ўтказиш бўйича катта тажрибага эга бўлган Америка Қўшма Штатларининг «Вестерн Юнион» хизматидан фойдаланиш имконини яратди. Электрон тўлов тизимига ва ғоят қисқа муддатларда хизмат кўрсатишга асосланган ушбу молия муассасаси хорижий мамлакатлар билан ҳам ҳамкорлик алоқасини йўлга қўйган. Жаҳоннинг ўнлаб мамлакатлари билан иқтисодий алоқалар ривожланиб бораяпти. Кўплаб юртдошларимиз илмий-техникавий, тижорат ва бошқа ишлар билан дунёнинг турли жойларида бўлишларига тўғри келаётган хозирги пайтда тезкор пул ўтказиш тизимидан фойдаланаётганлигу, катта қулайлик туғдираётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Жисмоний шахсларга «Анелик», «Контакт», «Мигом», «Интерэкспресс» каби пул ўтказмалари ҳам мавжудки, булар орқали мижозларга хорижий валютада маблағ ўтказиш ёки қабул қилиш имконини бермоқда.

Масалан, «Вестерн Юнион» орқали Ўзбекистон ҳудудига шу йил 1 июнь ҳолатига 286 139 АҚШ доллари, «Контакт» тизими орқали 1 млн. 225 минг 170 АҚШ доллари, «Анелик» тизими орқали 3 млн. 622 минг 63 АҚШ доллари жисмоний шахслар номига келиб тушди.

Банк филиали давлат буюртмасига кўра, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бераётган деҳқон ва фермер хўжаликларига ҳам намунали хизмат кўрсатмоқда. Жорий йилнинг 1 июлигача 38 та фермер хўжалигига 159,7 млн. сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Хусусан 2008 йил пахта ва ғалла етиштириш учун 9 та фермер хўжалигига 8,9 млн. сўм имтиёзли кредит берилди. Кам таъминланган оилаларга ажратилган кредитлар шу йил 1 июль ҳолатига 134,8 млн. сўмга етди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Фармонини бажариш юзасидан ҳам банк томонидан қатор хайрли ишлар бажарилди. Аҳолининг, айниқса, ёш оилаларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қоплаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида кейинги бир ярим йил мобайнида 112 млн. сўмлик ипотека кредити ажратилди.

Шунингдек, филиалда аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этиш асосида ҳар икки томонга манфаат келтирадиган омонат турлари жорий этилди. Жумладан, «Сармоядор», «Ёшлик», «Оила даромади», «Афзал», «Хазина плюс», «Яхши ният», «Комфорт плюс», «Номи кўрсатилмайдиган» муддатли омонатлари ва «Фаровон ҳаёт» пластик карточка омонатларига пул маблағларини қўядиган мижозлар ортмоқда.

Аҳил жамоанинг асл мақсади битта: у ҳам бўлса **МИЖОЗ МАНФААТИ** — энг асосий мезон! Ана шу мақсадни ҳаётга татбиқ этиш, қолаверса, мамлакат иқтисодиётининг таянч нуқталари бўлмиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўлида турли тажрибаларни қўллаб, изланаётган мазкур банк ходимлари улуғ истиқлол байрамининг 17 йиллигини ёруғ юз билан кутиб олди.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

ХОРИЖДА

АСИРЛАРНИ ОЗОД ҚИЛИШГА УНДОВ

Европа парламенти 4 сентябрь куни Исроил қамоқхоналарида сақланаётган Фаластин асирларини озод қилишга чақирувчи ҳужжат қабул қилди. ИТАР-ТАСС хабарига кўра, ҳужжат минтақада тинчлик ўрнатиш бўйича музокараларни кучайтиришга хизмат қилади. Унда терроризмга қарши кураш инсонпарварлик қонунларини бузишга сабаб бўлолмаслиги қайд этилган. Шунингдек, Фаластин қонунчилик кенгаши аъзоси Марван Баргутини озод этишни сўраган.

Айни вақтда Исроил қамоқхоналарида 11 минг фаластинлик сақланмоқда, улар орасида аёллар ва болалар бор.

ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТЛИККА ЯНГИ НОМЗОД

Аляска губернатори Сэра Пэлин номзоди ноябрда бўладиган сайловда Республикачилар партиясидан АҚШнинг вице-президенти лавозимига кўрсатилди. ИТАР-ТАСС хабарига кўра, қарор пайшанба куни Республикачилар партияси съездида қабул қилинган.

Сэра Луиза Пэлин 1964 йил Айдаҳо штатида туғилган. Коммуникация ва журналистика соҳасида таҳсил олган. 1992 йилдан буён сиёсат билан шуғулланади. 1996 йил Уасилла шаҳри мэри, 2006 йил Аляска штати губернатори этиб сайланди. Беш фарзанднинг онаси.

2008 йил 29 август куни Жон Маккейн Пэлинни вице-президентликка номзод деб эълон қилган.

ТАИЛАНДЛИКЛАР МУАММОСИ

Таиландда уч ойдан буён давом этаётган ҳукумат ва мухолифат ўртасидаги низога нуқта қўйиши кутилаётган умуммиллий референдум ўтказилади. ИТАР-ТАСС ёзишича, бу ҳақда мамлакат бош вазири Самак Сунтаравет маълум қилган. Амалдаги «Халқ ҳукумати» партияси вакилининг айтишича, референдумда фуқаролар учта саволга жавоб бериши керак. Улар моҳиятан қуйидагича: «Амалдаги ҳукумат ишини давом эттириши, тарқатилиши ёки янгидан сайлов ўтказилиши керакми? Демократия учун кураш олиб бораётган Халқ альянси сайлов ҳақидаги қонунга ўзгартиш киритишга ҳаракат қилиши керакми?»

Референдум сенатнинг шу борадаги қароридан 30 кун ўтиб бошланади.

БРАЗИЛИЯ ТАКЛИФНИ РАД ЭТДИ

Эрон давлати Нефтни экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти (ОПЕК)га Бразилияни ҳам аъзо қилиш ҳақида таклиф киритган эди, лекин Бразилиянинг Энергетика вазири Эдсон Лобао бу таклифни рад этди, деб хабар беради AFP. Икки ҳафта олдин Лобао Эрон элчиси билан учрашувда Бразилия ташкилотга аъзо бўлишга тайёр эмаслигини таъкидлаган эди. Вазирнинг бундай қарор қабул қилишига ўтган йил мамлакатда саккиз миллион барелл заҳирага эга янги нефть кони топилгани сабаб бўлиши мумкин. 2008 йил бошида эса Petrobras миллий

нефть компанияси ўттиз миллиард барелл нефтга эга конни аниқлади.

ОПЕК дунё бўйича энг кўп нефть захирасига эга бўлган 13 та давлатни бирлаштирувчи ташкилотдир. Ташкилот жами ишлаб чиқариладиган нефтнинг 40 фоизини экспорт қилади.

«ШЎРТАНГАЗКИМЁ» МАЖМУАСИ

ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА

ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Яккабоғ тумани 20,13 га. майдонда томчилатиб суғориш технологиясини ўрнатиш.

Қурилишни тугаллаш муддати — 45 кун.

Буюртмачи — «Шўртангазкимё» мажмуаси.

Манзили — Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани.

Молиялаштириш ШГКМнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 25 кунгача сотиб олиш мумкин.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин «Буюртмачи» биносида ўтказилади.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ

ҚУЙИДАГИ ИНШООТЛАРГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА

ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1) Қарши шаҳридаги КНГСК трести биносини ИИБ қошидаги поликлиника ва госпиталга реконструкция қилиш.

Қурилишни тугаллаш муддати — 180 кун.

Буюртмачи — Қашқадарё вилоят ИИБ.

Манзили — Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 47-уй.

Молиялаштириш ҳомий ташкилотлар ажратган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 25 кунгача сотиб олиш мумкин.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин «Буюртмачи» биносида ўтказилади.

2) ЎзР ИИВ ходимлари учун «Мингчинор» дам олиш оромгоҳини капитал реконструкция қилиш.

Қурилишни тугаллаш муддати — 90 кун.

Буюртмачи — Қашқадарё вилоят ИИБ.

Манзили — Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 47-уй.

Молиялаштириш ЎзР ИИВ махсус фонди ҳисобидан амалга оширилади.

Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 13 кунгача сотиб олиш мумкин.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 15 кундан кейин "Буюртмачи" биносида ўтказилади.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ЧИРОҚЧИ ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ ОБОДОНЛАШТИРИШ БЎЛИМИ

ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА

ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ЧИРОҚЧИ ТУМАНИ КАЛКАМА—ҚУРУҚСОЙ (0,5-2,0 КМ.) АВТОЙЎЛИНИ ЎРТА ТАЪМИРЛАШ:

Қуввати — 1,5 км. Қурилиш муддати — 30 кун.

Буюртмачи — Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани ҳокимлиги Ободонлаштириш бўлими.

Манзили — Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани.

Молиялаштириш Чироқчи туман ҳокимлиги Ободонлаштириш бўлимининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 25 кунгача сотиб олиш мумкин.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин «Буюртмачи» биносида ўтказилади.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ «ЖЕЙНОВ ПАХТА ТОЗАЛАШ» ОҲЖ

2008 ЙИЛДА ҚУРИЛИШИ МЎЛЖАЛЛАНГАН ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА

ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Қашқадарё вилояти, Миришкор туманидаги реконструкция қилинаётган «Жейнов пахта тозалаш» ОҲЖ учун ташқи электр таъминоти.

Қурилиш муддати — 60 кун.

Буюртмачи — Қашқадарё вилояти «Жейнов пахта тозалаш» ОҲЖ.

Манзили — Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани.

Молиялаштириш «Жейнов пахта тозалаш» ОҲЖнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Пудратчи ташкилот ушбу иншоотда ҚМИ бажариш учун махсус лицензияга эга бўлиши шарт.

Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 13 кунгача сотиб олиш мумкин.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 15 кундан кейин «Буюртмачи» биносида ўтказилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга:

- етарли касбий ва техникавий малакага;
- иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги;
- молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига;
- шартнома (контракт) тузишга лаёқатли;
- юридик ҳуқуқа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси 5-уйда жойлашган — «Даварҳитектқурилиш» қўмитасининг Қашқадарё вилоят капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

Тел/факс: (8-375) 223-10-63, 233-19-14.

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

«O`ZBEKISTON TEMIR YO`LLARI»

DAVLAT-AKSIYADORLIK TEMIR YO`L KOMPANIYASI

Тендерная комиссия ГАЖК «Узбекистон темир йуллари» объявляет тендер № 7 2008 года на приобретение новых пассажирских вагонов повышенной комфортности согласно графику поставки (с 4 квартала 2008 года по 1 квартал 2009 года).

Лот № 1. Вагон пассажирский повышенной комфортности для межобластного сообщения с креслами для сидения в количестве 7 единиц.

Лот № 2. Вагон пассажирский купейный повышенной комфортности с креслами для сидения в количестве 1 единицы.

Заявки на участие в тендере принимаются в течение 30 дней со дня опубликования в средствах массовой информации.

За тендерной и технической документацией обращаться по адресу: г. Ташкент, ул. Т. Шевченко, 7 ГАЖК «Узбекистон темир йуллари» Управление «Темирйуленилгитаъмин», комната 410.

***Тел.:* 237-94-72, 237-96-33. *Факс:* 140-00-23.**

ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМ РАМЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Олимларимизга хориждан таклифнома келиши ёки бирор-бир илмий анжуманга чақирилиши фақат ташвиш олиб келган. Кўпчилик зиёлилар сиёсий таъқибга учрамаслик, бошига маломат тошлари ёғилмаслиги учун чет эллар билан иложи борича илмий алоқа ўрнатмасликка ҳаракат қилишарди, ўзларини олиб қочишарди. Қайси бирини айтай, биз ўша замонларни ўз кўзимиз билан кўрдик, қаттол тузумнинг барча қийинчиликларига чидашга мажбур эдик.

Булар — кечаги кун манзаралари. Яратганга беадад шукрлар бўлсинки, ота-боболаримиз бир умр орзу қилган, лекин етишолмаган Истиқлолни кўриш, ундан баҳраманд бўлиш бахти бизга насиб этди. Бугун елкамизга офтоб тегиб, Мустақиллигимизнинг ўн етти йиллигини катта шодиёналар билан нишонладик. Ўтган тарихий давр ичида бошқа соҳалар қатори олий таълим тизимида ҳам мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз берди. Илм-фан юксалиб, заҳматкаш олимларимиз меҳнати қадр топди. Ҳатто вилоят марказларида кучли илмий муҳит шакилланди. Бир сўз билан айтганда, зиёли иззат-икром қилинадиган, илм қадрланадиган давр бошланди. Мана шулар ҳақида ўйлаганда, яқин ўтмиш кўз олдимда намоён бўлади ва бугунги дориломон кунларнинг қадрига етиш кераклигига яна бир бор иймон келтираман.

Шу ўринда, юртимиз таълим тизимидаги улуғвор ўзгаришларнинг пойдевори ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охирида Юртбошимиз томонидан қўйилганига эътиборингизни қаратмоқчиман. **«Кадрлардан самара олиш учун уларни тайёрлашга маблағ сарфлаш лозим. Агар биз ҳақиқатан ҳам қашшоқлик ва қолоқлик кишанларидан қутулмоқчи бўлсак, ёшларни тайёрлаш билан жиддий равишда шуғулланишимиз, замонавий касбни эгаллашда уларга ёрдам беришимиз керак. Бу соҳада хасислик ярамайди»,** — деган эди давлатимиз раҳбари.

Дарҳақиқат, мана шундай эзгу ғоя ҳали юртимизда мустақиллик эълон қилинмаган, собиқ тузум сўнгги кунларини яшаётган, жон талвасасида нотинчликлар келтириб чиқараётган қалтис бир даврда мамлакатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган эди. Ёв қочса, ботир кўпаяр, деганларидай, бугун пана-панадан тош отаётганлар шуни яхши билиб қўйсинки, озодлик халқимизга бировлар томонидан садақа тариқасида берилгани ёки осмондан тушгани йўқ! Ватан истиқлоли жуда катта курашлар эвазига қўлга киритилган.

Ҳа, Истиқлол ҳамма соҳада имконият эшикларини кенг очиб берди. Жумладан, таълим тизимида ҳам туб бурилиш бошланди. Президентимиз ташаббуси билан «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури яратилди. Шу асосда амалга оширилган бекиёс ишлар жаҳон таълим тизимида «ўзбек модели» дея эътироф этилди. Қанчадан-қанча касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар қад ростлади. Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида мактабларимиз қиёфаси тубдан ўзгартирилди, янги ўқув масканлари барпо этилди.

Таълимнинг барча бўғинларини қамраб олиш мақсадидаги дадил саъй-ҳаракатлар олий ўқув юртлари фаолиятида ҳам бўй кўрсатди. Кўплаб янги университет ва институтлар очилди. Мавжудларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Кадрлар тайёрлашнинг бакалавр ва магистрлик йўналишларига ўтилди. Бу жараён барча вилоятларни бирдек қамраб олгани учун, ҳали айтганимдек, вилоятларда кучли илмий муҳит қарор топди.

«Энг муҳим масалалардан бири шуки, домлаларнинг савияси ва билимини оширишга шарт-шароитлар туғдиришимиз керак. Домлалар, профессор, кафедра мудирлари ўз устида ишламаса, ўз соҳаси бўйича чет мамлакатларга илмий сафарларга бориб келмаса, тажриба алмашилмаса, албатта, бундай аҳвол ўқув жараёнига ва унинг самарасига салбий таъсир қилади».

Мана, биз, зиёлилар олдига 1997 йили давлатимиз раҳбари томонидан қандай долзарб ва улкан вазифалар қўйилган эди. Баъзан ўйлаб қоламан, шитоб билан кетаётган давр талабларига жавоб беришимиз учун яна нималар қилиш лозим? Назаримда, замон билан бирга қадам ташлашимиз учун ўз устимизда тинимсиз ишлашимиз, улуғ боболаримиз мероси ҳамда замонавий илмфан ютуқларидан оқилона фойдаланишимиз зарур.

Мактабдан бошлаб олий ўқув юртигача давом этган бу ислоҳотлар халқаро экспертлар томонидан ҳам юксак баҳоланмоқда. Россиялик таниқли академик Виталий Ведяпин шундай дейди: **«Президент Ислом Каримов ўз асарлари, чиқишларида таълим устуворлиги, уни янада демократлаштириш зарурлигини таъкидлайди. У давлат раҳбарлари ичида биринчилардан бўлиб дунёнинг яхлитлиги, юксак маънавият ва сайёравий тафаккурни шакллантиришни кўзловчи таълимни инсонпарварлаштириш зарурати ғоясини илгари сурди. Бу фақат Ўзбекистон таълими, балки XXI асрда жаҳон ҳамжамияти ривожига қўшилган муносиб ҳиссадир».**

Бу каби эътирофларни кўплаб келтириш мумкин. Жаҳоннинг нуфузли олий ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган, дунёга таниқли олимларнинг бундай самимий дил сўзлари ҳар қандай инсонни руҳлантириб юборади. Демак, биз шунчаки яшамаяпмиз. Умримиз беҳуда ўтмаяпти. Эртанги кун учун, фарзандларимизнинг нурли истиқболи учун хизмат қилаяпмиз, келажак ишига нафимиз тегяпти. Бу эса, зиммамиздаги масъулиятни янада оширади.

«Келажак бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади. Тарбиядан ҳеч нарсани аямаймиз!» Халқимиз йўлбошчисининг мана шу сўзлари, таъбир жоиз бўлса, халқимизни ягона мақсад йўлида бирлаштирди. Баъзи бир давлатларда ҳокимият учун курашларга зўр берилганда, ўзаро ҳамжиҳатлик йўқолганда, уруш-биродаркушлик келиб чиқиб, адоват оловини ёққанда, бизнинг халқимиз, миллатимиз томирида, энг аввало, миллий бирлик, барҳаёт маърифат жўш уриб оқа бошлади. Миллий қадр ҳақидаги орзулар рўёби йўлида дадил қадам ташланди.

Энг муҳими, ёш авлод тарбияси, таълим тизими равнақи йўлида ҳеч қачон маблағ муаммо бўлган эмас. Аслида, эндигина оёққа тураётган ёш давлатда мустабид тузумдан қолган, ечимини кўтаётган ўткир ижтимоий қийинчиликлар оз эмас эди. Ўшандай оғир шароитда илм-маърифат давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Илм-маърифатнинг самараси сифатида бугун юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган навқирон авлод вояга етмоқда. Улар ҳар жабҳада Ватан ва миллат шаънини улуғлаб, унинг довруғини дунё бўйлаб кенг ёймоқда. Шубҳасиз, бу ишларда таълим тизимининг турли бўғинларида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг хизматлари ҳам катта.

Илм аҳли қадрланган жамият ҳеч қачон парокандаликка, бошбошдоқликка, маънавий тубанликка юз тутмайди. Илму маърифат миллатни жипслаштиради. Ҳамма замонларда ҳам маърифат аҳлининг фидойилигига қараб, ўша халққа баҳо берилган. Аслида, миллат маънавиятини шакллантиришда зиёлиларнинг, адибу шоирларнинг, айниқса, улуғ аждодларимизнинг, тенгсиз алломаларимизнинг хизмати беқиёсдир.

Мамлакатимиз олий даргоҳларида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар муҳтарам Президентимиз қарорини чуқур мамнуният билан кутиб олишди. Нимага десангиз, бу — эъзоз ва эҳтиром, бу — уларнинг ижодий имкониятларини янада кенгайтириб, янги-янги изланишларга ундовчи рағбат ва эътибордир.

Мен ишонаман, келажак учун ажратилган бу сармоя эртага, албатта, ўз меваси-ни беради. Орадан йиллар, балки асрлар ўтар, миннатдор авлодлар бир кун келиб, озод Ўзбекистон ҳақида гапирганда, мен эслаган воқеаларни ҳам, эҳтимол, ёдга олар. Бугунги кунимиз янги тарих саҳифаларига илму маърифат юксалган йиллар сифатида битиб қўйилишига ишонаман.

Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

БОШЛАНИШИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БЎЛСА...

Бугун футбол бўйича 2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионати саралаш учрашувлари Осиё минтақаси тўртинчи босқич баҳслари бошланади. Рауф Инилеев бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси Дохада Қатар футболчиларига қарши майдонга тушади

Саралаш баҳсларининг ушбу ҳал қилувчи босқичида қитъамизнинг энг кучли ўнта терма жамоаси икки гуруҳга бўлинган ҳолда жаҳон чемпионатининг 4,5 та йўлланмаси учун кураш олиб боришади. Қуръага кўра, Ўзбекистон миллий терма жамоаси Австралия, Япония, Қатар ҳамда Бахрайн вакиллари билан бир гуруҳдан жой олган.

Ҳамюртларимиз бунгача саралаш учрашувларининг ҳал қилувчи босқичида уч маротаба иштирок этишган ва унинг барчасида вакилларимиздан омад юз ўгирганди. Миллионлаб мухлислар футболчиларимиз 2010 йилги жаҳон чемпионати финал босқичида иштирок этишини, табиийки, орзу қилади. Бунинг учун Ўзбекистон футбол федерацияси барча зарур чораларни кўрмоқда. Тўртинчи саралаш босқичи олдидан мамлакат миллий терма жамоасининг Маскат шаҳрида Уммон (0:2), Тошкентда эса КҲДР футболчилари (0:0) билан ўртоқлик ўйинлари ташкил этилди. Гарчи, мазкур учрашувларда ғалаба қозонилмаган бўлса-да, бош мураббий Рауф Инилеев Дохада ўтадиган ўйинда легионерлар Максим Шацких («Динамо», Киев), Виталий Денисов («Днепр», Украина), Азиз Ибрагимов («Слован», Словакия) ҳамда Вагиз Галиулин («Рубин», Россия)ларнинг терма жамоамизнинг ижобий натижа қайд этишига кўмак беришига умид билдирмоқда. Чунки гуруҳ баҳслари олдидан ўтказилган ҳар икки ўртоқлик учрашувида ҳам юқоридаги футболчилар иштирок этишмаганди.

— Биз сафарда тўп сурамиз, — деди бош мураббий журналистларга берган интервьюсида. — Одатда, бундай ўйинларда тезкор қарши ҳужум тактикасидан фойдаланилади. Бутун учрашув давомида рақибга нисбатан босим ишлатиш ёки очиқ футбол намойиш этиш режаси йўқ. Агар шундай йўл тутсак, буни қатарликлар кечиришмайди. Бундай паллада ҳимоядан тезкор ҳужумга ўтиш усули кўпроқ фойда келтиришига ишонаман. Қолаверса, олдиндаги баҳсларда ҳужумчилар зиммасига катта масъулият юкланади. Бошланган комбинацияларнинг мантиқий якуни айнан мана шу чизиқ вакилларига боғлиқ. Менимча, бошланғич таркибда Максим Шацких ва Александр Гейнрихни майдонга туширсак керак. Сўнгра вазиятга қараб, Зайниддин Тожиевга ҳам имконият берилиши мумкин.

Дарҳақиқат, кейинги босқичда қатнашадиган ўнта терма жамоа ҳам қитъамизда ўз ўрни ва мавқеига эга. Жумладан, охирги Осиё ўйинлари ғолиби Қатар футболчилари аввалги босқичда Хитой ҳамда Ироқ сингари номдор рақибларини ортда қолдириб, австралияликлар билан биргаликда, жаҳон чемпионати йўлланмаси учун курашни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритишганди. Ўзбекистон миллий терма жамоаси бунгача қатарликлар билан Осиё ва жаҳон чемпионати саралаш учрашувларида беш маротаба ўзаро куч синашган. Шулардан иккитасида вакилларимизнинг қўли устун келган бўлса, икки ўйинда дуранг натижа қайд этилган ва бир ўйинда рақибларга омад кулиб боққан. Бундан ташқари, Дохада ўтган Осиё ўйинлари доирасида ўтказилган яна бир учрашувда Александр Гейнрих томонидан киритилган ягона тўп ҳамюртларимиз ғалабасини таъминлаганди.

Гуруҳдаги рақиблар қанчалик номдор бўлишмасин, футболчиларимиз олдига фақат ижобий натижага эришиш вазифаси қўйилган. Ўтган ҳафтада ЎФФнинг мажлислар залида миллий терма жамоа мураббийлари ҳамда ўйинчилари иштирокида ўтган йиғилишда ҳам бунга алоҳида урғу берилди. Жумладан, ушбу тадбирда Ўзбекистон футбол федерацияси президенти Мираброр Усмонов футболчилар учун яратилган шарт-шароитлар хусусида гапирар экан, терма жамоамизнинг ҳар бир учрашувдаги ютуғи учун бериладиган мукофот миқдорини ҳам маълум қилди.

— Аввалига битта ўйиндаги ғалаба учун 150 миллион сўм миқдорида мукофот пуллари белгилаган эдик, — деди ЎФФ президенти. — Аммо саралаш учрашувларининг тўртинчи босқичи ҳал қилувчи аҳамият касб этганлиги учун мукофот миқдорини 300-400 миллион сўмга оширишга қарор қилдик. Асосий вазифа бажарилганидан кейин эса футболчиларимизга яна алоҳида совғалар берилади.

Демак, футболчиларимиздан фақат сермазмун ва ҳужумкор ўйин намойиш этиш талаб қилинмоқда. Кеча Тошкент вақти билан 13.00 да Дохага жўнаб кетган Ўзбекистон миллий терма жамоаси таркибидан қуйидаги ўйинчилар жой олган:

Дарвозабонлар — Игнатий Нестеров, Темур Жўраев (иккаласи ҳам «Пахтакор»дан);

Химоячилар — Ислом Иномов, Илҳом Суюнов, Асрор Аликулов («Пахтакор»), Бахтиёр Ашурматов, Хайрулло Каримов («Бунёдкор»), Анвар Ғофуров («Машъал»);

Ярим ҳимоячилар — Сервер Жепаров, Азиз Ҳайдаров, Темур Копадзе («Бунёдкор»), Виталий Денисов («Днепр», Украина), Азиз Ибрагимов («Слован», Словакия), Одил Аҳмедов («Пахтакор»), Вагиз Галиулин («Рубин», Россия);

Ҳужумчилар — Максим Шацких («Динамо», Киев, Украина), Александр Гейнрих, Зайниддин Тожиев («Пахтакор»), Улуғбек Баҳоев («Бунёдкор»).

Қатар — Ўзбекистон миллий терма жамоалари ўйини Тошкент вақти билан соат 24.00 да бошланади. Учрашувни ФИФА рефериси малайзиялик Субҳиддин Моҳд Солиҳ бошқариб боради. Дастлабки турда, шунингдек, Баҳрайн — Япония футболчилари ўзаро куч синашса, австралияликлар дам олишади.

Эркин ХОЛБОБО

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Tat'yana KISTANOVA
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 849
8129 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 04.30
Topshirilgan vaqti — 05.00
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda

Қиғир иш — келтирар ташвиш

САВДОДАГИ «САВДО»ЛАР

Барча соҳаларда бўлгани каби савдо-сотиқнинг ҳам қонун-қоидаси бор. Ишла, даромад топ. Аммо тегишли тартибга риоя қил. Шундагина топганингда барака бўлади.

Ҳукуматимиз томонидан савдо тизимида тартиб ўрнатишга қаратилган қатор қарорлар қабул қилинди. Мақсад хизмат кўрсатишни яхшилаб, нақд пул тушумини кўпайтиришдан иборат.

Шу йилнинг олти ойи давомида департаментнинг Бектемир туман бўлими томонидан ноқонуний нақд пул айланишининг олдини олиш мақсадида ўтказилган тадбирлар натижасида 9 та жиноят иши қўзғатилди. Жумладан, «Валентин Сур-Банович» хусусий фирма раҳбари Пак Сур-Банович чет элда етиштирилган 1002 кг. пиёз уруғини ҳеч қандай ҳужжатларсиз, тартибга зид ҳолда 4400 АҚШ доллари ва 2.835.000 сўмга сотганлиги аниқланди.

«Рубинович Старс» хусусий фирма раҳбари Олег Чураковга нисбатан ҳам «иш» очилди. Негаки, у ҳам «камуфляж» махсус кийимини ноқонуний сотган. Катта миқдордаги махсус кийимларни 2300 АҚШ доллари ва 900.000 сўмга пулламоқчи бўлган сохта «тадбиркор» бугун пушаймон.

Учтепа тумани ДСИдан рўйхатдан ўтган Содиқ Султонов раҳбарлигидаги «NEI CLASSIC» МЧЖ фаолияти таҳлил қилинганда қатор қиғирликлар аниқланди. Гап шундаки, МЧЖ мансабдорлари қисқа вақт ичида 860.000 минг сўмлик харидоргир озиқ-овқат маҳсулотларини пул ўтказиш йўли билан сотиб олиб, ушбу маҳсулотларни Тошкент шаҳридаги бозорларда нақд пулга сотган. Савдодан тушган пуллар эса банкка топширилмаган.

Бахтиёр ҚОСИМОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти Бектемир туман бўлими бошлиғи.

ШАҲРИСАБЗ ДУНЁ ПОЛВОНЛАРИНИ ЧОРЛАМОҚДА

Эртага Шаҳрисабздаги «Ҳисор» стадионида кураш бўйича Амир Темур хотирасига бағишланган анъанавий V халқаро турнир бўлиб ўтади. Унда дунёнинг ўттизга яқин давлатидан келган юздан зиёд полвон беллашади

Ўзбек халқининг азалий қадрияти саналган кураш истиқлол шарофати ва Юртбошимизнинг бевосита қўллаб-қувватлаши туфайли жаҳон спортига айланганига бугун ропа-роса ўн йил тўлади. Кураш Халқаро ассоциациясига 1998 йил 6 сентябрда асос солинганди. Ҳозир дунёнинг 102 давлатида кураш миллий федерациялари фаолият олиб бормоқда. Шу йиллар давомида қатор қитъа чемпионатлари, нуфузли халқаро турнирлар билан бир қаторда олти маротаба жаҳон чемпионати ўтказилди.

Кеча пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонаси мажлислар залида Кураш Халқаро ассоциацияси Ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда курашнинг Пекин шаҳрида бўлиб ўтган XXIX ёзги Олимпия ўйинлари доирасида ўтказилган Ўзбекистон кунларидаги тақдимоти, 2007 йилда Макаода ёпиқ иншоотларда ўтган Осиё ўйинларида ташкил этилган конкурсдан ташқари беллашувлар якуни, шу йилнинг ноябрида Туркияда ёшлар ўртасида ўтказиладиган жаҳон чемпионатига тайёргарлик масалалари ҳақида тўхталиб ўтилди. Шунингдек, йиғилишда Осиё, Африка, Океания Кураш конфедерацияларининг курашни ривожлантириш бўйича олиб бораётган ишлари юзасидан ҳисоботи тингланди. КХАнинг бошқа халқаро спорт ташкилотлари, жумладан, FILA билан дўстона алоқалар ўрнатиш масаласи ҳам Ижроқўм аъзолари томонидан ўрганиб чиқилди. Мусобақаларда одилона ҳакамлик Кураш Халқаро ассоциациясининг энг асосий талабларидан саналади. Шу боис, КХА Ҳакамлар ҳайъати директори Ризо Носирийнинг шу масала юзасидан қилган чиқиши қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Эътиборли жиҳати, ассоциация ташкил топганлигининг ўн йиллик тантаналари доирасида эртага Шаҳрисабз шаҳридаги «Ҳисор» стадионида мутлақ вазн тоифасидаги полвонлар ўртасида Амир Темур хотирасига бағишланган анъанавий халқаро турнир ўтказилади. Бешинчи маротаба ташкил этилаётган мазкур мусобақада Польша, Россия, Бразилия, Туркия, Жанубий Корея, Греция, Буюк Британия, Эрон, Ҳиндистон сингари мамлакатлардан ташриф буюрган юз нафардан зиёд кураш усталари ғолиблик учун гиламга чиқадилар.

Катта кураш байрамида мутлақ ғолибликни қўлга киритган полвонга 10000 АҚШ доллари миқдоридаги мукофот берилади. Мусобақада Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар ўз жамоалари билан қатнашиши кутилмоқда. Улар орасида қитъа ва жаҳон чемпионлари Давлат Чориев, Шерали Жўраев, Ўткир Курбонов, дзюдо бўйича Пекин олимпиадаси кумуш медали совриндори, кураш бўйича жаҳон чемпиони Абдулла Тангриев сингари номдор полвонларнинг борлиги турнир беллашувлари шиддатли ва муросасиз ўтишидан дарак бериб турибди.

(Ўз мухбиримиз).